



Оптин БАКТ

ГАЗЕТА 1991 йил 23 мартдан ЧИКА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 5 июл, сешанба № 105 (1946)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ПРЕЗИДЕНТ ҚОЗОФИСТОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 4 июл кун Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар раҳбарлари саммитида иштирок этиш учун Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрига жўнаб кетди.

Таъкидлаш керакки, ШХТ ташкилот сифатида шаклланиш ва ривожланиш жараёнини қисқа фурсатда босиб ўтди. 2001 йил Хитойнинг Шанхай шаҳрида олти мамлакат - Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон раҳбарлари томонидан ШХТни тузиш тўғрисидаги декларация имзоланиб, унинг икки органи - Котибият ва Минтақавий аксилтеррор тузилмасини ташкил этишга қелишиб олинган эди. Таъсис хужжати - Хартияси (Низомин) эса 2002 йил Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида қабул қилинди ва шу тариқа ташкилот халқаро юридик мақомга эга бўлди.

Утган йили ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитига Тошкент мезбонлик қилди. Унда кўрилган масалалар орасида ШХТ фаолиятининг икки асосий йўналиши - хавфсизлик ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик муаммолари музокараларнинг асосий мавзуси бўлди. Саммит арафасида пойтахтимизда ташкилотнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия кўмитаси очилди.

ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Остона саммитида хавфсизликни мустақамлаш, террорчилик ва экстремизмга қарши курашиш, Марказий Осиё умумий бозорини ташкил этиш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, сув-энергетика захира-ларидан унумли фойдаланиш, ўзаро ижтимоий-маданий, илмий-техникавий, транспорт коммуникациялари борасидаги алоқаларни ривожлантириш, шунингдек, минтақавий ва халқаро муаммоларга оид масалаларни муҳокама этиш режалаштирилган.

(ЎЗА)

## ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҲЕЧ ҚАЧОН, ҲЕЧ КИМГА ҚАРАМ БЎЛМАЙДИ.



## ИСТИҚЛОЛ УМИДЛАРИ

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Республикаси Ташкилотнинг фаолият миллий банки стадионида умумтаълим мактаблари битирувчиларининг «Истиқлол умидлари-2005» фестивали бўлиб ўтди. Тадбир Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Республика «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ҳамда Ўзтелерадиокомпания томонидан ташкил этилди.

Юртимизда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган фестивалда бу гал ҳам Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактаблари битирувчилари, ўқитувчилар, ота-оналари, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Қахрамони, Ўзбе-

кистон халқ шоири Эркин Воҳидов мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида эканини алоҳида таъкидлади. Зеро, юртимиз келажакда, зеро, юртимиз келажакда - бугун уни ўсиб келаятган ёшлар қўлида. Айнан улар Ватанимиз ишончи,

том маънодаги истиқлол умидларидир. Президент Ислон Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ҳам айнан ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Таълимнинг тарбия жараёни билан беvosита боғлиқлиги, унинг узлуксизлиги, узвийлиги ёшларга мактабда дастлабки билим беришда Ватанга, миллий истиқлол гоёларига садоқат,

умрбоқий кадрларимизга ҳурмат туйғусини сингдиришда муҳим аҳамият касб этаётир. Бу эса ўз навбатида ёшларимизда фаол фуқаролик позицияси шаклланишида, уларнинг онаюртимиз келажак, тинчлиги ва барқарорлигини кўз қорачиқидек асраб-авайлаш йўлида янада жипслашишда, йигит-қизларни ҳаммаша хушёр ва огоҳ бўлишга даъват этишда муҳим аҳамият касб этаётир. Энг асосийси, олган билимини Ватан раҳнақи йўлида сарфлашни бугун ёшларимиз олий саодат деб билади.


Президентимиз, халқимиз биз, ёшларга катта ишонч ва умид билдириб, етук инсонлар бўлиб етишимиз учун барча шароитларни яратаятганини

ҳар қадамда хис қилиб турибмиз, - деди Юнусобод туманидаги 273-мактаб битирувчиси Жавлон Назруллаев. - Ана шундай юксак ишончга муносиб бўлиш, юрт тинчлиги, Ватан раҳнақи, халқ фаровонлиги йўлида аъло ўқиш ва фидокорона меҳнат қилиш шарафли бурчимиздир.

Кечада танқили санъаткор ва ижрочи ёшлар иштирокида куй-қўшиқлар янгради. Спортчилар ва ҳарбийларнинг чиқишлари эса фестивалга янада кўтаринкилик бахш этди.

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг бундай битирув кечалари мамлакатимизнинг барча вилоятлари, шаҳарлари ва туманларида давом этмоқда.

(ЎЗА)



## ШХТ РАҲБАРЛАРИ УЧРАШУВИ

Остона, 4 июл. (ЎЗА махсус муҳбири Анвар Бобоев хабар қилади).

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар раҳбарлари саммитида иштирок этиш учун Остона шаҳрига келди.

«Ривьера» саройида ШХТ Саммити қатнашчилари - Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарларининг норасмий учрашуви бўлиб ўтди. Унда мазкур ташкилот доирасидаги ҳамкорлик, ШХТ фаолиятини янада тақомиллаштириш, шунингдек, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг съезди бўлиб ўтди. Унда Қоракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан делегатлар қатнашди.

Анжуманда партия ташкилотларининг ўтган даврдаги фаолияти, амалга оширилган ишлар, ютуқ ва камчиликлари таҳлил этилиб, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш борасидаги вазифалари муҳокама қилинди. Партия марказий кенгаши раиси А.Рустамов маъруза қилди.

## ЯНГИ ДАСТУР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Юртимиз мустақиллигини янада мустақамлаш, ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишда партия фаоллари ҳам ўз ҳиссасини қўшаётир.

Курултойда Ўзбекистон Қахрамони, халқ шоири, Ўзбекистон уюшмаси раиси А.Орипов, Тошкент шаҳар партия кенгаши раҳбари Л.Ғуломов, пойтахтимиздаги 50-мактаб директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси С.Герасимова ва бошқалар шу йил 13 май кунини Андижон шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатларининг халқимизнинг истиқлол йилларида эришган ютуқларини, юртимиз тинчлиги ва оқсоқиллигини кўра олмайдиган ғараз ниғтили кучлар томонидан амалга оширилганини таъкидлади. Бундай фожиялар такрорланмаслиги учун ҳар биримиз доим огоҳ бўлишимиз, истиқлол гоёларини кенг тарғиб этишимиз зарур.

Партиянинг Президентимиз Ислон Каримовнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилган вазифалардан келиб чиқадиган, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари қамраб олинган янги дастури қабул қилинди.

Съезд ишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

(ЎЗА)


## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ ҲАҚИДА КИТОБ

Мамлакатимизда илк бор икки палатали парламентга бўлиб ўтган сайловлар Президент Ислон Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан изчил бораётганини яна бир далили бўлди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан - Қонунчилик палатаси (қўйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат таркибда самарали фаолият кўрсатмоқда.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, икки палатали парламентни барпо этишдан мақсад, аввало, парламент ўз ваколатларини самарали амалга ошириши, ҳар томонлама асосли ва пухта қарорлар қабул қилиши учун зарур бўлган ўзаро мувозанат ва чекловлар тизимини яратишидир.

Бунда, жумладан, парламент фаолиятида умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш, аҳолининг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштироки қўламини



ликаси Олий Мажлисининг Сенати» номи китобида мазкур палатанинг ташкил этилиши ва унинг фаолияти ҳақида батафсил фикр юритилди.

Ушбу китобда мамлакатимизда икки палатали профессионал парламент тизимига ўтиш гоёси ташаббускори Президент Ислон Каримовнинг сиёсий-ҳуқуқий таълимоти, янги парламентни шакллантириш амалиёти, унинг конституциявий-ҳуқуқий негизлари, назарий асослари ҳамда Сенатни шакллантириш билан боғлиқ масалалар илмий-таҳлилий жиҳатдан атрафлиқ талқин этилган.

Китобда дунё парламентаризми ва Сенат институтининг пайдо бўлиш тарихи, Ўзбекистон Сенатининг ташкилий тизими ва таркиби, мақоми, ваколатлари, жорий фаолияти ҳамда истиқлол органлари депутатларидан сайланиши замирида ҳам айнан шу мақсад мужассам.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, академиги Мурод Шарифхўжаевнинг яқинда нашрдан чиққан «Ўзбекистон Респуб-

(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш юзасидан қабул қилган қарорлар ва қарори мамлакатимизда тадбиркорликни кенг қўлчи қилиши, ишбилармонлар фаолиятига тўсиқ бўлаётган сансалорлик, қоғозбозлик каби иллатларнинг бартаф этишда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳозирги кунда қайта этилган қарорлар ва қарорнинг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг тақлифларини ўрганиш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Эътиборлики, ишбилармон кишиларнинг ўзлари ҳам бу ишда фаол иштирок этмоқдалар.

Мустақил Ўзбекистонимизда ишбилармонлар сафи кенгаймоқда. Худди шу тоифа кишилар жамиятимизнинг юксалиши сари боришида ҳаракатлантирувчи кучга айланмоқда. Ушундан шундай фикр бор: хайри ишга қўл урган инсонда аввало ишонч, иштиёқ, мақсад сари дадил интилиш бўлиши керак. Шунда бизнес соҳасида арзимасган маблаг билан иш бошлаганлар ҳам вақт ўтиб катта муваффақиятга эришишлари мумкин. Ушундан, қолаверса, хорижий тажрибадан бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин. Матбуотда ёзилишича, Япониянинг машҳур «Ямаха» трансмиллий компанияси дастлаб фаолиятини етти киши меҳнат қилганидан велосипед таъмирловчи кооператив шаклида бошлаган экан.

Бизнинг вилоятимизда ҳам кичик бизнес ва ҳуқуқий тадбиркорликни ривож-

## Ислохотларни янги босқичга кўтариш пойдевори

бонлар билан қаттиқ меҳнат қилдик. Боз устига ён-атрофдаги ташландиқ ерларни ўзлаштириб, янги болар бўлиб эрдик. Болар болга тўғланади ишимизнинг самарасини кўриб, кўпчилик қанчалик қувонганини билсангиз эди.

Яқинда ана бир ташаббус билан майдонга чиқдик. «Уч-

ни йўлга қўйиш мумкин экан. Баъзида таваққалчилик ҳам иш бериб қолади. Ажойиб қорхона ишга туширилиб, мақсад амалга ошди, 8 киши муқим иш билан таъминланди.

Тадбиркор бойиса кўпга нафи тегади. Биз ўзгалар ёрдамига муҳтож беш киши билан қаттиқ меҳнат қилдик. Боз устига ён-атрофдаги ташландиқ ерларни ўзлаштириб, янги болар бўлиб эрдик. Болар болга тўғланади ишимизнинг самарасини кўриб, кўпчилик қанчалик қувонганини билсангиз эди.

Яқинда ана бир ташаббус билан майдонга чиқдик. «Уч-

## САНСАЛОРЛИК, ҚОҒОЗБОЗЛИК каби иллатларга барҳам берилади

ланштиришнинг катта имкониетлари мавжуд. Уларни муваффақиятга олишга солиш, омилардан унумли фойдаланиш мамлакат иқтисодиётининг ўсиш суръатларини янада тезлаштириши, халқимиз турмуш даражасини кўтаришига хизмат қилади. Бундан беш йил муқаддам Норин туманидан 2,5 гектар бонни ижарага олдим. Деворли ташландиқ ҳолдаги масканни гуллатиб, мўл-кўл ноз-неъмат етиштириладиган жойга айлантиришимизга кўпчилик ишонмаганди. Бироқ оила аъзоларим, қўлгул бо-

тепа» қишлоғида жойлашган бўлук атрофини ободонлаштириб, ажойиб дам олиш масканига айлантирдик. Унинг ёнида нурунийлар оромгоҳи вуҷудга келди. Кўз қўрқок, қўл ботир, - дейдилар. Тадбиркорлик қўламини кенгайтириш, янги-янги хайри ишларга қўл уриш учун шароит мавжуд бўлса-да, қимлардир бунга жазм қилмайдилар. Уйлаб қарасак, санаторийлар билан халқорликда бебаҳо бўлук сувида саломатлик учун гоёт фойдали бўлган маъдани сув ишлаб чиқариш-

ни ҳамда икки нафар ногиронни оталиққа олдик. Бир тадбиркор сифатида Президентимизнинг бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш юзасидан қабул қилган қарорларни ва қарори моҳиятини ўқиб-ўрганиб, бошим осмонга етди. Улар бизга қанот бағишлаш билан бирга сансалорлик, қоғозбозлик каби иллатларга тўла барҳам беради.

З.МУСАЕВ, тадбиркор

Шартнома томонларнинг мулкий манфаатларини кафолатлаш билан бирга, мажбуриятларини, ҳуқуқ ва бурчларини ҳам белгилайди. Уни бажариш ҳам қарз, ҳам фарз.

Афсуски, орамизда шартнома қонунчилигини менсимаятган, унга тор манфаатлар нукта-назаридан ёндошаётган мутасаддилар борлиги ачинарлидир. Мисолларга мурожаат қилайлик. «Андижончарм» шўъба савдо тайёрлов қорхонаси бошлиғи А.Солиев, «Миллий банк» Андижон вилоят бўлими жамоаси билан савдо-сотиқни ривожлантириш учун шартномага киришгунча мутасаддиларни холи-жонига қўймади. Натигада 2002 йил 6 июн кунини банк томонидан қорхонага 40 фоиз устима тўлаш шарт билан 9 миллион 996 минг сўм кредит ажратилди. Миждо олинган кредит ҳисобига тери ва жун тайёрлаш юзасидан шартномага имзо чекди. Бироқ ўртада

қарздорни ким қафилликка олади, деган муаммо кўндаланг турарди. Майдонга тайёрловчиларнинг бош қорхонаси - Тошкент шаҳридаги «Ўзбекчармпойафзал» уюшмаси отилиб чиқди. Янги қарзни тўлаи олмаслик хавфи туғилганда, ҳақдорга ҳисоб ва рақадга пул маблаг ёки мол-мулк билан қафил бўлиш ҳақида уюшма ваъда беради. Шундай қилиб, уш томонлама кредит шартномаси кучга кирди. Қарзни 2003 йил 6 июнча қайтариш ҳақида пойафзалчилар куюқ ваъдаларни беришди.

Куйилмадан мақсадли фойдаланилгани учун дастлабга тайёрлов қорхонасининг ишлари юришди. Айланма маблаг ҳосил бўлиб, ходимларнинг иш ҳақлари қўлга тега бошлади. Меҳнатга рағбат кучайди. Мукофот пул-

лари тарқатилди. Хуллас, омад чопиб, банкка кредит ҳисобидан 8 миллион 926 минг, фойзалар

Тайёрловчилар кредит қайтимида бир миллион 70 минг, фойзалар тўловидан 1 миллион 222

## ШАРТНОМА НИЗОСИ унга қонуний баҳо берилди

хисобидан 4 миллион сўм қайтарилди. Афсуски, эришилган ютуқлар мустақамланмади. Ишлаб чиқаришда ҳақрат қўлайди, сунистеъмолчиликларга йўл қўйилди. Энг ёмони, маҳсулотдан харидорларнинг кўнгли совиди. Сабаб, сон кетидан қўйилиб, сифат унутилди. Қорхона инкироз ёқасига келиб қолди. Кредитини қайтариш у ёқда турсин, иш ҳақидан қарздорлик юзага келди. Ходимлар бирин-кетин ишонани тарқ этишга киришди.

минг 800 сўм қарздор бўлиб қолдилар. Банк ходимлари қарз пулларини қайтарилишини талаб қилиб, қорхона мутасаддиларини қайта-қайта огоҳлантиришди. Қарздорга 2004 йилнинг 16 июл кунини огоҳлантириш хати жўнатилади. Бироқ қорхона пинак бузмади.

Энди ҳақдор қафилга юзланади. Қафиллик шартномасининг 4-бандига кўра, кредит ва унга ҳисобланган устамаларнинг ундирилиши юзасидан «Ўзбекчармпойафзал» уюшмаси олдиға

тўлов талабномасини кўяди. Пойафзалчилар қафиллик шартларини бажармайдилар. Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексининг 292-моддасида қафил бўлган томон бошқа шахс мажбуриятини тўла ёки қисман бажариши ўз зиммасига олиши кўрсатилган. Уюшма бошқарувининг ўша пайтадаги раис Уринбосари А.Абдувахобов ва бошқалар номига юборилган мурожаатномалар ҳам жавобсиз қолаверди.

Зикр қилинган Кодекснинг кў-

Масала кўндаланг қўйилганда

йинги 293-моддасида қафилнинг жавобгарлиги ҳам кўзда тутилган. Айтмоқчимизки, қафил кредит ва устамаларни қопланишида қарздор билан банк олдида 6:6-баравар жавобгар.

Нижоят, Андижон вилоят ҳужалик суди пойафзалчилар билан банк ўртасидаги шартнома низоосига қонуний баҳо берди. Даввогар «Миллий банк» вилоят бўлимининг жавобгарлар - «Андижончарм» шўъба савдо тайёрлов қорхонаси ҳамда Тошкент шаҳар «Ўзбекчармпойафзал» уюшмаси мол-мулк ҳисобидан 2 миллион 292 минг 800 сўм ундириш тўғрисидаги арзисига суд мажлисида ечимини топди.

С.РАҲМОНОВ, Андижон вилоят ҳужалик суди судьяси, С.РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» муҳбири



# ИНСОФ САРИ БАРАКА

Фаргона вилояти мамлакатимиз иктисодиётида муҳим ўрин тутди. «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Фаргона кимёвий товлар, Фуранли бирикмалар заводи, «Кўкун суперфосфат» қўшма корхонаси каби йirik саноат мажмуалари мамлакат иктисодиётининг қон томирларидан саналади.

Мазкур корхоналар катта миқдордаги электр энергияси истеъмол қилади. Улар узлуксиз технологик жараёнга эгаллиги боис, энергиядан қарздорлик учун ўчириш имконияти йўқ. Шунинг учун ҳам йirik саноат корхоналарининг фойдаланилган электр энергиясидан қарзи ортаёпти. Биргина «Ўзкимсаноат» ассоциацияси тизимидаги корхоналарнинг ўзи 1 июн ҳолатига кўра 906 миллион 137 минг сўм қарз.

Яна бир оғриқли нукта шаҳар ва туман ҳокимликлари тизимида қаралии корхоналар қарздорлиги ҳисоблана-

ди. Булар қаторига аҳолига кўрсатувчи ташкилотлар кирди. Бу тизим бўйича қарздорлик 2 миллиард 500 миллион сўмдан ортаёпти кетгани гоёт ачинарли. Биргина Фаргона шаҳар «Сувоқава» ишлаб чиқариш корхонаси 1 миллиард 193 миллион сўм қарз бўлиб қолган. Юридик бўлим томонидан қарзларни ундириш бўйича ҳуқуқ-тартибот идоралари билан мунтазам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жумладан, ўтган беш ой давомида 12 миллиард 929 миллион сўмлик 2032 та талабнома қўзғатилди. Шундан 970 таси 2 миллиард 862 минг сўмга

қаноатлантирилди. Бундан ташқари, ҳўжалик судларига 2 миллиард 828 миллион сўмлик даъво аризалари киритилди. Шунингдек, юридик бўлим адлия бошқармаси, прокуратура ва нотариал идоралар орқали ҳам қарзларни ундириш ишларини олиб бораётди. Ҳукумат қарорига асосан 583 та корхона 3 миллиард 643 миллион сўмга солиқ идораларига реестр орқали берилди. Электр энергияси таъминотини яхшилаш ва тўловларни ўз вақтида амалга оширилиши бўйича қўйлаётган қатъий талаблар ўз самарасини бера бошлади. Истеъмолчилар тўловларни ўз вақтида амалга оширишга одатланишяпти. Бунинг сўнгги ойларида тўлов интизоми барқарорлаша бошлаганидан ҳам кўришимиз мумкин.

**Эргашали АХМЕДОВ,**  
«Фаргона электр тармоқлари» ОАЖ энергосотиш хизмати бошлиғи



Қуйи Чирчиқ туман ижтимоий бўлими кексаларга ҳурмат-эҳтиром, муҳтожларга меҳр-муруват кўрсатиш, шунингдек, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламни ижтимоий-маддий ва маънавий қўллаб-қувватлаши янада кучайтириш борасида талайгина хайри ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, «Сиҳат-саломатлик йили»

дастури асосида тадбирлар ишлаб чиқилиб, ёлғиз яшовчи кексалар, пенсионер ва ногиронларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Махсус хизматчи ходимлар эса кўмакка муҳтож кекса-

ларнинг иссиқ-совуғидан доимий равишда хабар олиб туришибди.  
**Суратда: бўлим мутахассислари А.Абдуллаев, Б.Юсупов ҳамда Г.Дусебоевалар.**

# АРГЕНТИНА ЁШЛАР ТЕРМАСИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Голландияда ўтказилган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати ниҳоясига етди. Чемпионатда Бразилиянинг енгил финалга чиққан Аргентина ёшлар терма жамоаси ярим финалда Марокаш устидан галаба қозонган Нигерия ёшлар термаси билан баҳс юритди. Учрашунинг биринчи бўлимида Аргентинанинг бўлажақ юлдузларидан бири Месси 11 метрлик жаримадан ҳисобни очиб, ўз жамоасини олдинга олиб чиқди. Танаффусдан сўнг эса нигерияликлар чиройли тарзда жавоб тўпи киритиб ҳисобни тенглаштирдилар. Учрашув бош ҳақами иккинчи бўлимда нигерияликларни яна бир 11 метрлик жарима тўпи билан жазолади. Яна Месси ўзини кўрсатди, у жарима тўпини дарвозага аниқ йўллаб галаба



## Спорт оламида

келтирувчи гол муаллифига айланди. Шундай қилиб Аргентина ёшлар термаси бешинчи бор жаҳон чемпионати унвонига сазовор бўлдилар.  
Бразилия ва Марокаш ўртасидаги учинчи ўрин учун баҳсда. Лотин Америкаси вакиллари 2:1 ҳисобида зафар қучдилар.

Яқиндагина Германия майдонларида Конфедерациялар Кубоги баҳслари ўтказилган эди. Мутахассисларнинг фикри бўйича Миланнинг «Интер» жамоаси ва Бразилия терма жамоаси ҳужумчиси 23 ёшли Адриано мусобақанинг энг яхши ўйинчиси, деб эътироф этилди. Адриано финал учрашувида дублга эришди. Шунингдек, у турнирнинг тўпурари сифатида «Олтин бутси»ни олишга муваффақ бўлди. Адриано Бразилия терма жамоасининг асосий таркибига муносиб номзоддир, деди Карлос Алберто Паррейра.

Адриано турнирдаги ўз ўйини билан фақат томошбинларни эмас, балки Бразилия терма жамоаси бош мураббийи Карлос Алберто Паррейранинг ҳам олқишига сазовор бўлди. Адриано Бразилия терма жамоасининг асосий таркибига муносиб номзоддир, деди Карлос Алберто Паррейра.

## МАНЧЕСТЕР ЮНАЙТЕД ОФИСИГА БИРИНЧИ БОР ҚАДАМ РАНЖИДА ҚИЛДИЛАР

Америкалик миллиардер Малком Глейзер «Манчестер Юнайтед» акцияларининг 98 фоизини қўлга киритганидан сўнг, ўз ўғиллари Джозель, Аврам ва Брайанларни Англия клубининг Директорлар кенгаши таркибига киритди. Улар офисга ташриф буюрганда 300 дан ортиқ ишқибозлар уларни хушламайгина қарши олдилар. Шунингдек, улар клуб ҳўжайини ўғиллари билан шахсан мулоқотда бўлиш учун тўсиқларини олиб ташлаб Глейзер томон ошқидилар. Миллиардернинг ўғиллари зудлик билан полиция машинасида жуфтакни ростлаб қолдилар.

## ДОН КИНГ ТАЙСОН ПРОМОУТЕРЛАРИ ВА МЕНЕЖЕРЛАРИНИ ТАНКИД ҚИЛДИ

Таниқли промоутер Дон Кинг оғир вазндаги собик жаҳон чемпиони Майк Тайсон промоутерлари, менежерларни қоралади. Улар яхши бизнесмен эмас деди у. Сабаби, жаҳондаги энг машҳур боксчи Майк Тайсонга ўз фаолиятини шундай мағлубият билан якунлашига йўл қўйиб бердилар. Майк Тайсон Кевин Майк Брайдга қарши жангда 6-раундда жангни давом эттиришдан бош тортганлиги мени жуда ранжитиб юборди. Мен ўзимни тутолмай йиғлаб юбордим. Промоутерлар уни банкротга ўчратдилар. Шунингдек, Дон Кинг собик чемпионнинг ҳозирги менежери Шелли Финкель Тайсонни 2 метрли Кевин Майк Брайд билан жангга чиқариб хатога йўл қўйганлигини таъкидлади. Дон Кинг Майк Тайсон билан 1988 йилдан буён ҳамкорлик қилган. Ўтган йили Тайсон Дон Кингдан ўзи учун тўланмаган 100 миллион долларни талаб қилган. Бу масала судгача етмай тинчлик шартномаси тузилганлиги ҳақида хабарлар бор. Дон Кинг Тайсонга 14 миллион долларни беришни ваъда қилган.

**Т.ЮСУПОВ**  
тайёрлади

## Биздан сўраган эдингиз ҚАРЗДОРНИНГ МОЛ-МУЛКИНИ хатлаш, баҳолаш, сотиш ва реализация қилиш тартиби қандай амалга оширилади?

Қарздорларнинг мол-мулкларини хатлаш, сотиш ва реализация қилиш ҳуқуқи суд ижрочилигининг зиммасига юклатилади.

Бунда, суд ижрочилиши ишни батафсил ўрганиб, Ўзбекистон Республикаси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг 23-моддасига асосан амалга оширади.

Ундирувчининг аризаси ёки ўз ташаббуси билан мулкий ундирув бўйича ижро йиши юритиш тўғрисида қарор чиқариши ва қарздорнинг мол-мулкни рўйхатга олиб, уларни хатлайди.

Ушбу қонуннинг 53-моддаси талабига мувофиқ қарор нусхаси қарздорга берилган қўндан эътиборан бир ой мuddатдан кечиктирмай, зарур ҳолларда уни топшириш билан бир вақтда хатланади.

Хатланган мол-мулкни тасарруф қилиш юзасидан суд ижрочилисининг таъқиқини бузиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқининг чекланганлигига риоя қилмасди қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади. Бунда суд ижрочилиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 233-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги тўғрисида оголхантириб ўтилганлигини қайд қилиш мақсадга мувофиқ.

Хатлаш қўйидаги ҳолларда қўйилади:

- 1. Ундирувчи олиб берилганда ёки реализация қилинадиган қарздорнинг мол-мулкни сақлашишни таъминлаш мақсадига;
- 2. Жавобгарга тегишли бўлиб, унинг ўзида ёки бо-

**У.ЮЛДАШЕВ**  
Бўка туман бўлими маси суд ижрочилиши (Давоми бор)

# Муҳбир нуқтаи назари НОЎРИН ТАЛАБ яна электр энергияси тўлови хусусида

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511 ва 512-сонли қарорлари фойдаланилган электр энергияси учун тўлов интизомининг бир мунча мустаҳкамлашига асос бўляпти. Жумладан, «Фаргона электр тармоқлари» акциядорлик жамиятида ҳам ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида кенг қўлми ишлар қилиняпти. Аниқ шу қарорлардан сўнг тўлов интизомини мустаҳкамлаш ишлари ўзининг янги босқичига кўтарилди.


Қарорда мuddати ўтган қарзларни солиқ идоралари орқали ундириш тартиби белгилаб қўйилгани бизга анча қўл келаяпти, — дейди Бешариқ электр тармоқлари бошлиғи вазифасини бажарувчи Отабек Алиматов. — Ҳозирда аҳолининг қиш мавсумида йиғилиб қолган қарзларини ундириш, қарздорлигини мумкин қадар камайтиришга ҳаракат қилаямиз. Шу билан бирга қишга тайёргарлик ишлари ҳам диққат марказимизда турипти.

Фаргона шаҳар электр тармоқларида ҳам қишнинг совуқ келгани боис истеъмол кўтарилиб кетган. Шунинг учун корхонада аҳоли қарздорлигини камайтириш мақсадида кенг қўлми ишлар қилиняпти.

Лекин қўйлаётган чоралар, тармоқдан узишлар қутилганидек самара бермаяпти. Масалан, кўп қаватли уйлари олайлик. Улар қарзи учун поведз шитидан ёки электр ҳисоблагичдан ўчирилади. Бундай ҳолатда истеъмолчилар ҳеч қандай тўловни амалга оширмасдан, руҳсатсиз қайта тармоққа улашиб олаверди. Бундан ташқари, тузилган далолатномаларга ҳондон соҳиблари кўпича қўл қўйишдан ва тушунтириш хати ёзиб беришдан бош тортади. Натияжада электр тармоқлари корхонаси ҳужжатларни чора қўриш учун ҳуқуқ-тартибот идораларига топшира олмайдди.

Ҳа, одамлар ҳам «ҳуқуқ»ни анча яхши тушуниб қолган. Лекин мажбуриятларни бажариш борасида гўё уларнинг ҳеч нарса билмагандек тутишлари галати. Жорий йилнинг беш ойида 1930 та хондонга нис-

батан тармоққа ноқонуний улашиб олгани ва электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги учун 69 миллион 92 минг сўмлик далолатномалар тузилган. Лекин юқориди айтилганидек, аксарият қоидабузарлар далолатномага имзо чекемаган. Олтириқда 24 минг 400 та хондон электр энергиясидан фойдаланади. Қишнинг совуқ келиши туфайли аҳолига ҳар ойда 70-80 миллион сўмлик электр энергияси етказиб берилган. Пул тушуми эса 30-40 миллион сўмдан ошмаган. Қарздорлик эса тўхтовсиз ортган. Туман электр тармоқларига яқиндагина раҳбар этиб тайинланган З.Нурматов истеъмолни имкон қадар камайтириб, пул тушумини сарф этилган энергиядан ошириш, шу орқали қарзнинг ўсиб кетишига йўл қўймасликка эришиш йўли-



да қатор ишлар бошланганини айтиди. У олиб борилаётган ишларни баён қилар экан, назоратчиларнинг ўз ишига муносабатини ўзгартариш, адашиб бу соҳага кириб қолганлар билан вақтида ҳисоб-китоб қилиш лозимлигини ҳам таъкидлади. Бу ерда аҳоли қарздорлиги ҳудудлар бўйича таҳлил қилинади. Демак, худуд назоратини иши ўша жойдаги қарздорликка қараб билинади. Назоратчи айнан шунга кўра чора қўйилади дегани бўлиди. Бунинг натижаси сифатида май ойида йил бошидаги нисбатан икки барабар кўп пул тушганини айтиш мумкин.

Истеъмолчиларга қиш мавсумида узлуксиз электр энергияси етказиб бериш мақсадида 2005-2006 йил қиш мавсумига тайёргарлик ишлари ҳам жадал олиб бориляпти. Жумла-

дан, Учкўприк туманида 10 киловольт 112 километр, 178 километр 0,4 киловольтли ҳаво линиялари ва 38 та трансформатор пунктларини мукамал таъмирлаш ишлари ёғзи мавсумида амалга оширилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, электр энергиясининг тармоқдаги табиий йўқолишларини камайтириш мақсадида барча ҳаво линиялари август ойи охиригача тозаланади. Шунингдек, қиш ойларида юкларнинг қатталиги натижасида 4 та қишлоқда трансформатор ишдан чиқиб, аҳоли анча азият чекиди. Ҳозирда бу муаммо ҳам ечимини топди.

Оқунбобоев туман электр тармоқларида куз-қиш мавсумига тайёргарлик бошқа жойларга нисбатан анча жиддий. Ростки, туман аҳолиси таъминотдаги узилишлардан қаттиқ азият чекарди. Чунки аҳоли сони мавжуд сигимлардан анча кўплиги боис трансформаторлар қишда ўта зўриқиш билан ишларди. Шунинг учун 10 киловольтли ҳаво линияларида 10 километр сим алмаштириш, ўтган қиш мавсумида юклама билан ишлаган 10 та фуқаролар йиғинидаги трансформаторларни алмаштириш, бундан ташқари, 5 та маҳаллада трансформатор қувватини ошириш режалаштирилган. Аини пайтда ишнинг асосий қисми бажариб бўлинди.

Тумандаги баъзи раҳбар ходимлар фойдаланилган энергия учун катта миқдорда қарздорлиги қишнинг ажаблантириди. Масалан, туман ер ресурслари ва кадастр бўлими бошлиғи А.Юсупов, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши раиси М.Усмонов ва бошқалар электр энергияси ҳақини тўлашга қамқабсаллик қилишяпти. Лекин айтмоқчи бўлган гапимиз битта: барчамиз электр энергияси таъминотини ўнглаш йўлида қилинаётган ишлар қўламини англаб етсак, нурчиларнинг заҳмати меҳнати қадрига етсак ва тўловларни ўз вақтида амалга оширсак мамлакат ривожига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшган бўламиз.

**Н.ЮСУПОВ,**  
«Ишонч» муҳбири

## Информация о существенных фактах ОАО «TOSHKENT SHAXAR Y'OL QURILISH VA TA'MIRLASH TRESTI»

Порядковый номер сообщения - 09. Решение годового общего собрания акционеров.

Решение годового общего собрания акционеров. Форма проведения общего собрания - очная; дата проведения общего собрания - 22.06.2005 года; место проведения общего собрания - г.Ташкент, ул.Хамал, 29

кворум общего собрания - 93,1 %, общее количество голосов - 997 495.

Дата подписания протокола - 04.07.2005 года.

Вопросы, поставленные на голосование и итоги голосования по ним;

№	Вопрос	За	Против	Воздерж.
1.	Утверждение регламента проведения годового общего собрания акционеров.	995 485	0	0
2.	Отчет И.О.Генерального директора ОАО «TOSHKENT SHAXAR Y'OL QURILISH VA TA'MIRLASH TRESTI» о результатах финансово-хозяйственной деятельности общества за 2004 год и утверждение бизнес-плана развития общества на 2005 год.	995 485	0	0
3.	Утверждение Генерального директора ОАО «TOSHKENT SHAXAR Y'OL QURILISH VA TA'MIRLASH TRESTI» на 2005 год.	995 485	0	0
4.	Утверждение заключения аудиторской проверки за 2004 год и кандидатуры аудиторской фирмы на 2005 год.	995 485	0	0
5.	Утверждение заключения Ревизионной комиссии за 2004 год.	995 485	0	0
6.	Утверждение годового отчета, бухгалтерского баланса, счетов прибылей и убытков за 2004 год.	995 485	0	0
7.	Распределение прибыли за 2004 год.	995 485	0	0
8.	Отчет Наблюдательного совета ОАО «TOSHKENT SHAXAR Y'OL QURILISH VA TA'MIRLASH TRESTI» об итогах проведенных мероприятий за 2004 год.	995 485	0	0
9.	Утверждение состава Наблюдательного совета ОАО «TOSHKENT SHAXAR Y'OL QURILISH VA TA'MIRLASH TRESTI» на 2005 год.	Кумулятивное голосование		
9.1.	Ибрагимов С.С.	997 442		
9.2.	Искандаров А.П.	997 442		
9.3.	Мелиев М.И.	997 442		
9.4.	Дуллаев Д.Д.	997 442		
9.5.	Дуллаев Р.И.	997 442		
9.6.	Усмонов Р.	997 442		
9.7.	Муталов О.А.	997 442		
9.8.	Сергеев В.А.	997 442		
9.9.	Умарбаева А.Г.	997 442		
10.	Утверждение состава Ревизионной комиссии ОАО «TOSHKENT SHAXAR Y'OL QURILISH VA TA'MIRLASH TRESTI» на 2005 год.			
10.1.	Ибрагимов С.С.	995 265	0	0
10.2.	Чернышев В.В.	995 265	0	0
10.3.	Мошечков В.Л.	995 265	0	0
11.	Утверждение изменений, внесенных в Устав общества и внутренние нормативные документы.	995 887	0	0
12.	Принятие решения о получении кредита на 2005 г.	966 918	0	0

## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Давлат мулк қўмитаси томонидан Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтанинг душанба, чорshanба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига 2005 йил 8 июндан қуйидаги мулклар қўйилади.

- «Ўзбекино» ДАК таркибидagi Бухоро вилоятида жойлашган: 1.«Баҳор Бухорин Шариф кинотеатри» МЧЖнинг 25,0 фоиз давлат улуши. Бошлангич баҳоси - 41423,19 минг сўм.
- 2.«Баҳор Бухорин кинотеатри» МЧЖнинг 25,0 фоиз давлат улуши. Бошлангич баҳоси - 25339,45 минг сўм.
- 3.«Дўстлик кинотеатри» МЧЖнинг 25,0 фоиз давлат улуши. Бошлангич баҳоси - 2108,22 минг сўм.
- Коракалпоғистон Республикасида жойлашган: 4.«Мўйноқкиновиодео» МЧЖнинг 25,0 фоиз давлат улуши. Бошлангич баҳоси - 4770,98 минг сўм.
- 5.«Заман И» МЧЖнинг 25,0 фоиз давлат улуши. Бошлангич баҳоси - 3439,54 минг сўм.
- «Ўзавтойўй» ДАК таркибидagi, Коракалпоғистон Республикасида жойлашган: 1.«Нокис абаданшилиги» МЧЖнинг 25,0 фоиз давлат улуши. Бошлангич баҳоси - 12660,85 минг сўм.
- 2.«Коракалпақжолтамай йўлеу» МЧЖнинг 25,0 фоиз давлат улуши. Бошлангич баҳоси - 9985,77 минг сўм.
- 3.«Жолши» МЧЖнинг 25,0 фоиз давлат улуши. Бошлангич баҳоси - 10540,54 минг сўм.
- 4.Навоий вилоятида жойлашган «Навоий ободончилиги» МЧЖнинг 25,0 фоиз давлат улуши. Бошлангич баҳоси - 10196,58 минг сўм.
- «Ўзбекистон Матбуот ва ахборот таркибидagi» таркибидagi 1.Қоракалпоғистон Республикасида жойлашган «2-сонли Беруний босмаохонаси» МЧЖнинг 26,0 фоиз давлат улуши. Бошлангич баҳоси - 6095,87 минг сўм.
- 2.Фаргона вилоятида жойлашган, таркибидagi «Полиграф-пресс» МЧЖнинг 26,0 фоиз давлат улуши. Бошлангич баҳоси - 19416,78 минг сўм.
- «Ўзстандарт» агентлиги таркибидagi 1.Андижон вилоятида жойлашган «Эталон» МЧЖнинг 25,0 фоиз давлат улуши. Бошлангич баҳоси - 18251,77 минг сўм.
- 2.Қоракалпоғистон Республикасида жойлашган «Эталон» МЧЖнинг 25,0 фоиз давлат улуши. Бошлангич баҳоси - 4520,0 минг сўм.
- «Ўзиртамирқурилиш» уюшмаси таркибидagi, Андижон вилоятида жойлашган: 1.«Олтинқўл» КМК МЧЖнинг 25,0 фоиз давлат улуши. Бошлангич баҳоси - 35638,10 минг сўм.
- 2.«Хўжаобод туман КМС» МЧЖнинг 55,0 фоиз давлат улуши. Бошлангич баҳоси - 100867,37 минг сўм.
- 3.«Ўзпаррандасаноат» уюшмаси таркибидagi, Фаргона вилоятида жойлашган «Бешарик парранда» МЧЖнинг 25,0 фоиз давлат улуши. Бошлангич баҳоси - 148118,15 минг сўм.
- 4.«Ўзбек ипаги» уюшмаси таркибидagi, Жиззах вилоятида жойлашган «Жиззах вилояти пилла» МЧЖнинг 25,0 фоиз давлат улуши. Бошлангич баҳоси - 27627,3 минг сўм.
- 5.Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таркибидagi, Тошкент шаҳрида жойлашган, «Ўз-Рус-Олийгоҳ» МЧЖнинг 81,63 фоиз давлат улуши. Бошлангич баҳоси - 205333,84 минг сўм.
- Шунингдек, 2005 йил 4 июндан қуйидаги объект РКМБ биржа савдосига қўйилганлигини маълум қиламиз: Соғлиқни сақлаш вазирлиги балансидаги Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Фарход кўчасида жойлашган, қурилиш тугалланмаган Кардиология шифохонаси. Бошлангич баҳоси - 211671,0 минг сўм.
- Ҳўрматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имониятингизни бой берманг. Савдоларда Республика кўчмас мулк биржаси рўйхатидан ўтган малакали брокерлар объектларни харид қилишнингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар. Қўшнмча маълумотлар учун Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишингиз мумкин. Манъилимиз: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қоракалмиш 2/4 массиви, Махаммад Ўразбоев кўчаси, 1 «А» уй. Телефонлар: 136-15-28, 136-26-26 Факс: 136-06-17 www.rkmb.uz/ Эслатма: РКМБ электрон биржа савдолари жаранида савдога қўйилган объектга икки ва ундан ортиқ харидор томонидан қизиқши билдирилган ҳолда савдо аукцион қўриқинида давом этиб нархлар эркин шаклланади.

# ОРАЛИК ТАНАФУС

## дўппини ерга қўйиб, ўйлаб олиш учун яхши имконият

**Вакт – шомол, қўлга илинмас елпигичлари билан юз-кўзининг силаб ўтганини сезар экансану, шакли-шамойилини кўриш насиб этмас экан. Яқиндагина эди ахир, орзиқиб кутганимиз мамлакат ўн тўртинчи миллий чемпионатининг бошланишини қанчалар ҳис-ҳаяжон ила қарши олганимиз. Қараб турсак, ҳаш-паш дегунча биринчи давра ҳам ниҳоясига етибди. Яна ҳам аниқлик киритадиган бўлсак, турли сабаблар билан қолдирилган "Пахтакор"- "Металлург" (6-тур) ва "Локомотив"- "Бухоро" (10-тур) жамоалари ўртасидаги учрашувдан сўнг футболчилар бир ойлик таътилга чиқади.**

Лекин бу, аслида, календарга нисбатан айрилган гап. Шак-шубҳа йўқки, нафақат мураббийлар, балки футболчилар учун ҳам оралик танафус чоғида фикр-мулоҳаза юритишга аризулик бир-биридан муҳим масалалар ўз ечимини кўтиб турибди.

Инсонгагина хос хусусият бу. Улкан муваффақиятларга эришиб, кўзланган доводдан ошиб ўтилган, пурвиқор тоғ қўққисига чиқишга муваффақ бўлинган эса-да, фақат олға интилишга ўрганган одамозит барибир нималардандир кўнгли тўлмайди, янги-янги марраларни эгаллаш иштиёқи хотиржам яшашга қўймайди. Агар чуқурроқ мулоҳаза юритадиган бўлсак, ушбу мавсум футболчилигимиз учун анчангир оғир келди. Хусусан, халқаро мусобақаларда омадими чопмади. "Пахтакор" ва "Нефтчи"га қитъа чемпионлар лигасида бахсларни давом эттириш насиб этмагани етмагандек, миллий терма жамоамиз ҳам 2006 йилда Германияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатидаги бериладиган йўлланмани қўлга киритиши жуда катта мураккаб ҳисоб-китоблар домига тушиб қолиб, эндиликда башо-



рат қилиш қийин бўлган вазият юзага келди. Плей-офф учрашувларига йўл очиб берувчи охириги имконият – 17 августда Кувейт термаси билан бўладиган матчда эришилажак галабани кўтиб яшайдиган бошқа иложимиз қолмади. У ёғи нима бўлади, буниси ҳам номанъул.

Ана шу муҳимлик билан миллий чемпионатимизнинг биринчи даврасини ҳам якунлаб олди. Йилдан йилнинг фарқи бор, деганларидек ушбу мавсум қайсида жижхатларга кўра ўтган мавсумлардан ажралиб турибди. Бу, биринчи навбатда, турнир карвонбошисининг ўзгарганлиги билан изоҳланади. Эътироф этил-

ган кучли учлик – "Пахтакор", "Нефтчи" ва "Навбахор" жамоаларига йил сайини рақобат қилишга уриниб келаётган Қаршининг "Насаф" клуби, мана ниҳоят, ўн тўрт йиллик футбол тарихимизда илк бор давралар ўртасидаги оралик танафусга пешқадам сифатида

масалар керак. Даврага чиққан полвон курашсиз таслим бўлмайди-ку, ахир!

Кези келганда эътироф этиш жоизки, футбол мутасаддиларимиз халқаро майдонда мустахкам оёққа туриб олиш учун қўплаб чоратadbирларни амалга ошириптилар. Бу сазй-ҳаракатлар ўз самарасини бериши-

### Футбол

га ишонгимиз келади, албатта. Лекин, куни кеча Голландияда поёнига етган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатига назар сола туриб, ҳаёдан бир фикр ўтди. Тажрибани нафақат футбол ривожланган Англия, Германия, Италия, Испания каби мамлакатлардан, шунингдек, ривожланиш йўлига кириб улгурган Нигерия, Марокш, Мексика сингари юрт футболдиган ўрганиши йўлга қўйиш фойдадан холи бўлмайди. Бир сўз билан айтганда, муваффақиятга эришиш учун мумкин ва мумкин бўлмаган барча ишни қилиш даркор. Натиха эса ўзини узоқ кутдириб қўймайди.

**З.РИХСИЕВ**  
Эътиборингизга 13-турда қайд этилган натижаларни ҳавола этамиз. "Пахтакор"–"Навбахор" – 2:0, "Металлург"–"Бухоро" – 2:0, "Сўғдиёна"–"Тўпаланг" – 1:0, "Шўртан"–"Машъал" – 0:5, "Локомотив"–"Насаф" – 1:2, "Самарқанд-Д"–"Нефтчи" – 2:1, "Трактор"–"Қизилкум" – 2:1

### Турнир жадвали

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. "Насаф"	13	10	2	1	30-13	32
2. "Пахтакор"	12	9	1	2	38-6	28
3. "Машъал"	13	8	1	4	23-14	25
4. "Нефтчи"	13	7	0	6	24-12	21
5. "Қизилкум"	13	6	2	5	18-14	20
6. "Самарқанд-Д"	13	6	2	5	15-16	20
7. "Навбахор"	13	6	1	6	18-12	19
8. "Локомотив"	12	6	1	5	19-19	19
9. "Трактор"	13	6	1	6	20-22	19
10. "Тўпаланг"	13	4	2	7	17-28	14
11. "Сўғдиёна"	13	4	2	7	7-27	14
12. "Бухоро"	12	4	0	8	15-27	12
13. "Металлург"	12	3	2	7	15-21	11
14. "Шўртан"	13	1	1	11	6-34	4

**Эслатма:** "Пахтакор"–"Металлург" учрашуви кеча бўлиб ўтди. Бугун "Локомотив"–"Бухоро" 18 июнда Тошкентда юз берган кучли шомол туфайли ўйнинг 38-дақиқасида ҳакам томонидан тўхатилган баҳсини давом эттиришди. Бу пайтда 0:1 ҳисобида мезбонлар мағлубиятга учраётган эдилар.

Қуёш чўғдек қизариб, ётоғидан бош кўтармоқда. Хали шаҳарликларнинг аксарияти ширин уйкуда... Шунга қарамасдан ёғи чойхонада менингдек икки-уч "келгинди" чой ичмоқда эди. Озода кийинган, гавдаси муштдек-кина мезбон қизга буюртма бердим. Эндигина овқатлана бошлаган эдимки, стол чеккасига бир чумчуқ келиб қўнди. Кавказ ва Болтиқбўйи республикаларида каптар, қарга ва чумчуқлар одамлардан қўрқмаслигини, кўчаларда тап тортмасдан уларнинг оёғи тағида ўймалашиб юришларини билардим. Қушлар одамлардан қўрқимаса яхши.

бало экан. Думини қимирлатиб "чирик", "чирик" деб кўйдим. Мен уни тушундим, нондан бир чимдим узиб,

тга бориб қўнди ва уни чўқий бошлади. Кейин нон махсулотлари устидига мураббони татиб кўрди.

# ТЎҚЛИККА ШЎХЛИК

МИТТИ ҲИКОЯ

олдига ташладим. Чумчуқча нон ушогини тумшугига илиб, пастга қўнди-да, насибасини тупроққа булгаганча ёш бошлади. Кейин нон ушогини қолдириб, бошқа емиш излай бошлади. Бурчаклардаги ахлат яшигини титди. Сўнгра кўргазмалар столидаги тор-

Сомсага, ундан гуммага ўтди. Хуллас, оёғи ва тумшугидаги ифлос микрообларни кўнган хойига юктириб чиқди. Чумчуқча оч эмасди. У тўқликка шўхлик қилаётган эди.

Э.ЭРМАТОВ

# АЁЛ – ОИЛА ЧИРОФИ

Оила – жамиятнинг таянчи. Ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, миллий урф-одатларни сақловчи муқаддас даргоҳдир. Инсонни барча бало-қазолардан оила қўтқаради. Шу боис у ҳар куни зиёрат қилишга аризулик гўша, гард-ғуборсиз яшашга муҳтож қалайдир. Машҳур файласуф В.Гого айтганидек, «Оила жамиятнинг дуру гавҳари. Шунингдек, оила табиатнинг шох асарларидан биридир».

Оиланинг маънавий камолоти кўп жиҳатдан асосан эр-хотиннинг иноқлиги ва ўзаро ҳурмат-иззатиға, аж-доқлар аънава ва қадриятлари эътиборига боғлиқ. Қайси оилада кўҳна қадриятлар улуғланса, катталарга ҳурмат, ёшларга эътибор қаратилса, ўша ерда соғлом фикрли, маънан етук инсонлар камолга етади. Шу билан бирга оиланинг безаволлиги табаррук зот онага боғлиқ. Негаки, ҳар бир она ўз оиласининг чироббони, тиббаси, ҳофизаси, ҳабибасидир. Навоий ҳазратлари лутф этганларидек:

**Бошини фидо айла ато бошиға,  
Жисмини қил садқа она қошиға.  
Тун-кунунга айлагил нур фош,  
Бирисин ой айла, бирисин қўш.**

Ҳақиқатан ҳам ой-кўш оламни нурга, зиёға тўлдирса, оналар ўз меҳр-муҳаббатлари билан оилани бахт ёғдусига тўлдирдилар. Шунинг учун бўлса кераки, муқаддас китобни қаримдалик, ором меҳр-муҳаббат англатувчи сифатида таъ-

### Эътиром

Оналар шундай улғу зотки, улар нафақат ўз оилалари, балки миллатнинг, инсониятнинг келажағига масъулдилар. Негаки, оналар уй бекаси сифатида минг йиллик оилавий аънаваларни давом эттириб, уни асраб-авайлаб, уни бойитиб авлодларга етказиб бериб, ҳаёт тажрибаларининг умрбоқийлигини таъминлайдилар. Аёллари ақл-жаёли, тадбиркор, ишнинг кўзини биладиган оилалардан ҳамиша аллелкаб, мард ва баҳодир ўғлонлар, Барчидониде доно, чебар ва соғлом, баркамол қизлар вояга етади. Бундай ёшлар эса ўз меҳнатлари, билим ва интилишлари билан жамият ривожига ҳисса қўшадилар.

Аёл уйнинг кўрки. Чустий домла таърифлаганларидек:

**Она зўр табибу она чин даво,  
Она соянону она жон фидо.  
Она – олиқимат, она-серсаҳо  
Она сертиллади, она сердо**

Шоир лутф этганидек, оналар меҳри эзгулик рамзидир. Она дуоси эса балолардан асровчи қалқон. Шарқ аънаваларига кўра ҳар қандай эзгу иш олдидан она дуоси олинади. Узоқ сафарда, қонли жангда, қўйингки, оддий кундалик воқеа-ҳодисаларда ҳам она дуоси фарзанд учун тумор эканлиги исбот талаб этмайдиган ҳақиқатдир. Нақшбандия тарикатининг пири Баҳоуддин Нақибанд васиятларига кўра, аввал оналари Орифа бинининг қабрларини зиёрат қилиш керак. Шундагина бажарган амалларингиз раво бўларкан. Ҳатто, етти иқлим шохи Искандар ҳам дунёга ҳокимлик қилишдан онанинг хизматида бўлишни армон қилиб кетган экан.

Ҳадиси Шарифда жаннат оналар оёғи остидадир, деб бежиз айтилмаган. Оналарнинг буюклиги, аёлнинг муборак зотлиги у чироббон бўлган оиланинг камоли билан ўлчанади. Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда оила, аёл, соғлом авлод масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Аёлнинг оиладаги ва жамиятдаги ўрни юксалди. Оила фаровонлиги, она ва бола саломатлиги ҳақида гамжўрлик қилинмоқда. Энг муҳими, соғлом она, соғлом фарзанд, соғлом жамият тизими яратилмоқда.

Гавҳар БҮРОНОВА

### БАЙРАМ КОНЦЕРТИДАН ҲАМ ОЛДИ

Таникли бастакор Улғубек Мусаевнинг «Тумарис» балети энг ахши сахна асарларидан бири ҳисобланади. Ўзбек халқининг қадриятларига бой ўтмиш ҳақида хикоя қилувчи бу асар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театрида муваффақиятли постановка қилинган.

Музыка оҳангларига бой мазкур спектаклнинг энг ҳаяжонли сахналари «Байрам томошаси» дастуридан ўрин оладиган бўлди.

Театр Ўзбекистон мустақиллигининг 14 йиллигига бағишлаб тайёрланган концертда ана шу балет садолари янграйди.

### АНДИЖОНЛИК МЕРГАНЛАР - ГОЛИБ

Пойтахтимизда ёшлар ўртасида пневматик куроллардан отиш бўйича мамлакат биринчилиги якунланди.

Ўзбекистон мудофасига қўмақлашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Республика техника ва амалий спорт турлари маркази томонидан ўтказилган баҳсда олтириш нафарга яқин спортчи иштирок этди. Пневматик милтиқдан отиш бўйича шахсий биринчиликда Андрей Журавлев ва Сакина Мамедова голиб чиққан бўлса, пневматик тўпачондан ўқ узишда Азиз Мухаммадраҳимов ва Мария Телповага тенг келадиган мерган топилмади.

Умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин андижонлик мерганларга, иккинчи ўрин Фаргона вилояти вакиллариға насиб этди. Самарқандлик спортчилар учинчи ўрини қўлга киритди.

### Қимматли манба

Тазкира тузиш Шарқ халқлари адабиётида кенг тарқалган аънавалардан. Тазкираларни адабий танқиднинг, адабиётшунослик фанининг алифбоси десак хато қилмаган бўламиз.

Тазкира арабча зикр сўзидан олинган бўлиб, эсдалик дафтери маъносини англатади. Шу жиҳатдан қараганда, тазкира маълум даврда бўлиб ўтган ёки муаллифининг ўз бошидан кечирган воқеа-ҳодисаларини ҳамда машҳур шахслар ҳақидаги маълумотларни қайд этувчи асардир.

# РОЖИЙ ХОРАЗМИЙ-ТАЗКИРАЛАРДА

XIX аср Хоразм адабий муҳитининг вакили Рожий Хоразмий ҳам ўз даврининг истеъдодли шоири сифатида иккита тазкирадан ўрин олган. Биринчиси Мухаммадқори Лафқасийнинг «Хива шоир ва ёзувчиларининг таржimai ҳоллари» тазкираси бўлса, иккинчиси Қўқон адабиёти ва тарихининг билимдони Пўлатжон Қайюмийнинг «Тазкираи Қайюмий»-сидир.

Лафқасий Рожий Хоразмийнинг замондoshi бўлиб, уни кўрган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Кўрмаган тақдирда ҳам уни таниган, билган кишилардан у ҳақда эшитган.

Лафқасий ўз тазкирасида 51 нафар шоир ҳақида маълумот беради. Тазкирада Рожий ҳақидаги маълумот шундай бошланади:

**Рожийким махсумзода эрур,  
Анинг таби шайри озода эрур.  
Хирад ичра топиб иззат-эътибор,  
Китобатлиг билан доим барқарор.  
Қилиб анча китобат таржима,  
Мусаллам қилиб фикрга ҳама**

Лафқасий шоир ижодининг етакчи хусусияти ҳақида тўхталиб ёзади: «Рожийнинг шайрлари зоҳиран ошкона бўлса-да, асли маънавий жиҳатдан бир дарёйи уммон бўлиб, илм гаввослари бир нукта-сидин юзларча маъний ҳосил қилур эрдилар».

Инсон ҳокими тупроқ яширади, аммо ўтмишни, хотирани ҳеч нарса билан яшириб бўлмайди. Хотира муқаддас. Ижодкор хотираси ҳам шундай. У биринчидан, ўз асарларида яшаса, сўнг эса уни билган, таниган кишилар қалбига, хотирасига яшайди. Шу маънода тазкиралар жуда қимматли, нодир манба ҳисобланади.

Имод ахли ҳеч замонда роҳат-фароғта яшамаган. Жумладан, Мухаммад Юсуф Рожий ҳам бундан мустасно эмас.

Лафқасий тазкирасида ҳам бу ҳолат қуйидагича ифодаланган:

«...Аммо Рожий Мухаммад Аминхон замонидан кейин Саид Мухаммадхон ва Мухаммад Раҳимхон Феруз замонларида ҳам форсий лисонлиг ва арабий луғат китобларни ўзбек она тилига ўтказиб олардин ҳеч бир вақт фарғ осуда хотир бўлган эрмас. Тамом умрин ҳаттотлиг билан машғуллик қилиб ўтказган. Шу сабабли Рожий тамом вақт фалак золим жафокорнинг зулм ситамидин додланиб ҳамиша дилғирлик билан паришон рўзигор бўлиб, умр кечирган-кираган ифодаланган:


«...Аммо Рожий Мухаммад Аминхон замонидан кейин Саид Мухаммадхон ва Мухаммад Раҳимхон Феруз замонларида ҳам форсий лисонлиг ва арабий луғат китобларни ўзбек она тилига ўтказиб олардин ҳеч бир вақт фарғ осуда хотир бўлган эрмас. Тамом умрин ҳаттотлиг билан машғуллик қилиб ўтказган. Шу сабабли Рожий тамом вақт фалак золим жафокорнинг зулм ситамидин додланиб ҳамиша дилғирлик билан паришон рўзигор бўлиб, умр кечирган-кираган ифодаланган:

Лафқасий тўхташни лозим кўрмаган, китобхонга Рожий шахсияти ҳақида айтишни истамаган ҳодисага Пўлатжон Қайюмий алоҳида эътибор беради. Бу ҳам тазкира тузувчининг ижобий фазилатларидан биридир. Чунки ижодкорни у қандай бўлса шундайлигича, рўйи-рост тасвирлаш ижоднинг асосий ва бирламчи талабларидан саналади.

Маълумки, ҳар бир тазкира муаллифи ширининг ижодидан ўзига маъқул намуналарни киритади. Биз юқорида зикр этган ҳар икки муаллиф ўз тазкирасига Рожийнинг бир хил газалларини киритишган. Бу эса тазкира муаллифлари бир-бирини тақдор қилганлигини кўрсатади ва кейинги тазкиранинг илмий қимматини пайсатиради.

Ҳар икки тазкиранависининг биз юқорида тўхталган тазкираларида гарчи, тақдорий ўринлар бўлса-да, мумтоз адабиёт тарихида ўзига хос қимматли манбадир.

**Максуда БЕРДИМУРОВА,  
Термиз Давлат университети тадқиқотчиси**



# УШАЛГАН ОРЗУ

**Президентимизнинг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Унинг ижросини таъминлашга Наманган тумани ҳокимлиги томонидан алоҳида эътибор қаратилган. Ҳозирда барча илм масканларини янги ўқув йилга ҳозирлаш қизгин бормоқда. Хусусан, 17-мактаб капитал реконструкция қилинмоқда. 20-мактаб тўла таъмирланмоқда. 4-мактабда эса жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.**

«Хонобод» қишлоқ фуқаролярий йиғини ҳудудда жойлашган 28-мактаб учун янги ўқув биноси барпо этилмоқда. Мазкур қурилишга 70 нафардан зиёд қурувчи жалб этилган. Мактабга қўшимча 140 ўринли бино, спорт зали мажмуаси қурилиши учун давлат бюджетидан 147 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилган. Ҳозиргача мазкур маблагнинг 80 фоизи ўзлаштирилди.

Қурилиш ишларини тендерда голибликни қўлга киритган «Намишлоққурилиш» МЧЖ қурувчилари олиб бормоқда. Натихада Курмак қишлоғидан 20 нафардан зиёд вақтинча ишсиз юрган ёшлар қурилишга жалб қилинди. Ҳар бир ишчининг ўртача ойлик маоши 45-60 минг сўмни ташкил этмоқда. Айни кунларда бу ерда сўнгги пардозлаш ишлари поёнига етмоқда. Галдаги вазифа

мактаб атрофини ободонлаштириш ва қўқалмазорлаштиришдан иборат. Яратилаётган шароитлар самарали меҳнат гарови бўлмоқда. Уларга бопул иссиқ овқат ташиқлаштирилган. Шунингдек, улар махсус иш кийимлари билан тўла таъминланган.

Ҳозиргача мактаб 500 ўринли бўлса-да, унда 1064 нафар ўқувчи уч сменада ўқиб келарди. Бу эса таълим-тарбия жараянини талаб даражасида олиб боришга таъсир қиларди. Энди ўғил-қизларнинг юқори даражада билим олишлари учун барча имкониятлар ишга солинадиган бўлди. Таътил пайтида қурувчиларга ердан бераётган бир гуруҳ ўқувчиларни суҳбатга тортиди.

– Дарс жадвали асосида

С.АЪЗАМОВА, «Ишонч» муҳбири

# ISHONCH

Муассис: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Махсумиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Согулва эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.